

LOCATION PROPERTIES OF GOLD MINES IN THE WESTERN PART OF AMAITAITOU

Alimov Mehrikul Umarkulovich

Assistant of the Department of "NRM" of the Mining Faculty of NavDKI

Boykobilov Farrukhjon Marufjon oglu

Master of Mining Geology and Geophysics, Faculty of Geology and Exploration, Tashkent State Technical University

Annotation

Known mineral features and places of mineralization in the latitudes can be defined as follows: structural, magmatic, lithological, metasomatic, geochemical factors. North-western and north-eastern fissures serve in the formation of ore bodies.

Keywords:

Structural, magmatic, lithological, metasomatic, geochemical, gold, gold-silver, north-western, quartz, auxiliary structures.

Кириш:

Асосий маъдан танасининг жойлашув структуралари металлогеник аниқлаш натижалари шуни кўрсатадики: шимолий-ғарбий структураларга олтин, олтин-кумушли маъданлашувлар мансуб бўлиб, шимолий- шарқий йўналишда эса кумуш-полиметаллар маъдан таналари ривожланган.

Жанубий Амаитайтоу ер ёриғи ва уни шимолий-ғарбий йўналишлардаги таянчга хос ёрувчи структуралари кварц-олтин-пирит-арсенопиритли (Узункудук, Жанубий Шохитов) ва олтин-кумуш-кварц турларидаги маъданлашувларни ҳосил қилади. Анча ёш-шимолий-шарқий чўзилган кесувчи ёриқлар кумуш-полиметалл (Жонтувар, Кумушли) маъданлашув таналарини ҳосил қилади. Иккинчи даражали ёриқлар блокларни структуравий тузилишларини мураккаблаштиради, бироқ маъданлашувнинг кейинги шаклланишларидамуҳим роль ўйнайди.

Ёрувчи структуралар билан бир қаторда пликатив тектоника жуда муҳим маъдан таналарининг шаклланишидакатта роль ўйнайди. Намоён этилган асосий олтин, олтин-кумушли маъданлашувлар шимолий-ғарбий йўналишлардаги мураккаб қурилган, чизикли пликатив структураларни ядровий қисмларига мансуб (Узункудук, Жанубий Шохитов).

Шундай қилиб, олтин маъданлашуви ва излашнинг етакчи тектоник мезони бўлиб шимолий-ғарбий йўналишларидаги ер ёриқлари билан бир қаторда субкентгликдаги чуқурлашган ёриқлар, кумуш учун шимолий-шарқий йўналишдаги ёриқлар хизмат қилади.

Магматик омиллар аниқ акс этмаган бўлсада, у олтин ва кумушли минераллашувларни тарқалиш қонуниятларида бирор бир ифодасини топади. Барча намоён этилган истикболли нишонлар гранитоид интрузиялардан 2,5-3 км узоқликда, контакт метаморфизми ореолидан ташқарида жойлашган.

Кумуш минераллашуви (Узункудук, Жанубий Шохитов) интрузивининг экзоконтактига тегишли, кумуш таркибли кварц томирлари контакт яқинидаги гранитоидларда аниқланган.

Кўринишларидан, гранитоид интрузивлар олтинни ҳаракатланиши ва уни интрузия контактидан узоқлашган сари қайта ётқизилишлари ва улар билан содир бўладигин жараёнлар маҳаллий метаморфоген эритмаларни кўчирилиши билан боғлиқ камровчи жинслардамуҳим вазифа бажаради.

Кумуш-полиметалл минераллашув анча ёш маъдан жараёнлари билан боғлиқ. Бу асосий бўлган шимолӣ-шарқӣ ёрувчи структураларнинг янгиланишлари ва айнан майда таянчлари билан бирга бир вақтнинг ўзида бўлиб ўтади.

Кузатишлар натижасида олтин-кумуш минераллашувлари тарқалишларида литологик-структуравий омиллар муҳим ўрин тутиши аниқланди. Тўпланган материаллар шуни кўрсатадики, эндоген олтин маъданли минераллашувлар барча жойларда, тасказган–бесапан свиталарининг ҳамма стратиграфик бўлинмаларда ва қуйи девонни карбонат жинсларидаги кечки тошқўмир-қуйи–пермь ёшига мансуб дайқаларда тараққий этган. Айнан олтинни саноатбоп тўпламлари бесапан свитасининг терриген қумтош ётқизикларига тегишли. Бунда олтинни тарқалишларида аниқ тенденция кузатилиб –олтинни кенг қўламли нишонлари юпқа, нотекис қатламланишлардаги, кейинги вақтлардаги кўп босқичли метасоматик қайта ҳосил бўлишларга учраган ва гидротермал фаолиятининг махсуллари киритилган қумтош, алевролит ва филлитларга мансуб.

Эмперик исботланганки, бундай геологик муҳитда маъдан қамровчи сифатида таянч, йўналишлари ва ички тузилишлари мураккаб (кварц томирлари, кварц сульфидли томирчалар, томиролди жинсларнинг (метасоматик) ўзгаришлари хол-хол минераллашувлари ва бошқалар) структуралар хизмат қилади. Шу нарсани ҳисобга олиш керакки, барча кварц ҳосилалари ҳам олтин-кумуш таркибли эмас. Қатламларга мос холда ётувчи оқ кварцлар, одатда камгина олтин таркибли (кумуш таркибли), бироқ уларни махсулдор анча кечки гидротермал жараёнлар билан кесишувларидаги майдонларда муҳимдаражада маъдан компонентлари билан бойитилганлиги кузатилади, бунда ғаройиб маъдан устунлари ҳосил бўлиши мумкин. Маъданлашувга киритилган оқ кварцлар майдонида кул ранг доғли рангларда, брекчиясимон текстурали. Кечки босқичда анча майда кварц-сульфидли томирчалар билан кесиб ташланган (Жантувар, Заҳқудук участкалари).

Шу билан бирга олтин, олтин-кумушли маъданлашувларнинг кўп элементли аномал геокимёвий майдонлари билан боғлиқлари сезилади. У ёки бу формацияга таълуқлилигига қараб маъданлашувларни даракловчи индикаторлари бўлиб аниқ бир даражада кумуш ва сурьма (фақат олтин сульфидли маъданлашувлар учун) ва анча кам даражада – кўрғошин, мис, селенлар хизмат қилиши мумкин. Марқазий Қизилқумда ҳозирги кунгача халькофил элементлар, полиметалл қатори элементлари ҳамроқ бўлмаган “тоза” олтин минераллашувлари топилмаган.

Олтин ва кумушли минераллашувларни шаклланишлари ва тарқалишларида структуравий омил муҳим ўрин тутди.

Литологик омил маъдан ётқизилиши жараёнида, умумий планда, маълум аҳамият касб этади. Шу билан бирга муттасил равишда зоналар ва маъдан таналар худудларида олтин, олтин ва кумушли минераллашувларни фаол намоён бўлишига таъсир кўрсатади.

Барча аниқланган истиқболли нишонлар қумтош-сланецли ётқизиклар кенг тарқалган майдонларга тегишли. Ушбу ётқизиклар ўрта бесапан қуйи свитасига (“ола-була бесапан) мансуб бўлиб, алевроқумтошларни пелитлар билан қатламланиб келишлари билан тавсифланади.

Маъдан таркибли зоналарда жинсларнинг қумтошли турлари маъдан ётқизилишига жуда қулай муҳит саналади. Филлитсимон сланецлар одатда нисбатан унча катта бўлмаган миқдорларда пирит-арсенопиритли минераллашувларни элитувчи қатламлашган милонитларган айланган вақтда, қумтошлар ва кам даражада алевролитлар маъдан ҳосил бўлиши учун қулай муҳит сифатида майдонга чиқади. Бу уларда гидротермал ва метасоматик жараёнларни жадал намоён бўлишлари билан шартлашади.

Одатда, гидротермал ўзгарган қумтошларда маъдали компонентларни таркиблири бир даражада юқори.

Метасоматик омиллар олтин маъданлашувларни билвосита излов белгиси бўлиб ҳисобланади. Барча аниқланган намоёнлар худудларида олтин маъданли минераллашувлар қамровчи жинслар шиддатли равишда метасоматик ўзгаришга учраган майдонларга тегишли бўлиб, қисман Фозилбек майдонида уларнинг нишонларини юза қисмида кварц-серицит таркибдаги маъданли метасоматитлар тасвирланган бўлиб, улар штокверк туридаги кварцлашиш ва сульфидлашиш зоналари худудларида жойлашган. Нордонлашиш зонасидаги оксидланиш ва темирлашиш зоналарида акс этади.

Геохимёвий омил ва уни олтин ва кумушли минераллашувларни жойлашишларидаги роли 10 дан ортиқ намуналарга статистик ишлов бериш билан ўрганилган.

Ишлов бериш натижалари бўйича элементларга оид геохимёвий хариталар тузилган ва алохида намоёнлар ва майдонларга геохимёвий ассоциацияларни тавсифлари аниқланган. Майдонда қуйидаги геохимёвий турлар ажратилади: олтин-маргумушли (Узунқудук, Жанубий Шохитов), олтин ва кумушли ва висмут билан кумуш –полиметаллик (Узунқудук, Жанубий Шохитов кичик интрузиялар районидаги маъдан нукталари).

Умумун олганда, олтин, кумуш ва ёндош элементларнинг геохимёвий аномалиялари маъданлашувларни муҳим даражадаги тўғридан-тўғри белгиси сифатида хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Шашорин Ю.Н. Афанасьев В.М. Отчет о результатах общих поисков золотого оруденения в пределах Южно-Карашохинской, амантайтауской, Кусбугутской, Богайдаршохинской, Шохетауской, Акмамбетской. Южноясвайской, Западно-Джитымтауской и Тасказганской прогнозно-перспективных площадей (Отчет Специализированной ПП за 1976-0980гг)
2. Жиянов А.Б., Амонова С.У. Распределение золота в сульфидах золото-колчеданных руд месторождения в централь-ных Кызылкумах. «Социально-экономические и экологические проблемы горной промышленности, строительства и энергетики». Минск – Тула – Донецк-2019.
3. Жиянов А.Б., Амонова С.У., Асанов А.Т., Кадилова Н.М. Исследование редкоземельных элементов в породах и минералах центральных Кызылкумов. «Социально-экономические и экологические проблемы горной промышленности, строительства и энергетики». Минск – Тула – Донецк-2019.